

САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ СОТИШДАН СОФ ФОЙДАНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Худайкулов Амир Меликулович,

Термиз давлат университети "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси доценти в.б.,

PhD. Термиз, Ўзбекистон, E-mail: amir7x@mail.ru; xudoyqulova@tersu.uz

ORCID: 0000-0001-8915-5962

DISTINCTIVE FEATURES OF ACCOUNTING FOR NET PROFIT OF GOODS SOLD IN TRADING ENTERPRISES

Khudaykulov Amir Melikulovich,

PhD., Associate Professor of the Department of Accounting and Auditing of Termez State

University, Termez, Uzbekistan

E-mail: amir7x@mail.ru; xudoyqulova@tersu.uz

ORCID: 0000-0001-8915-5962

JEL classification: M4, M41

Аннотация. Ушбу мақолада савдо корхоналарида товарлар киримини ҳисобга олиш, уларга савдо устамасини белгилаш ва бошқа харажатларни ҳисобга олиш ҳамда соф фойдани акс эттириши ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари вазиятли асосларда таҳлилий равишда ёритиб берилган.

Шунингдек, бухгалтерия счётлари бўйича қолдиқларни топши ҳамда қолдиқли айланма қайдномани шакллантириши, пировардида бухгалтерия балансида актив счётларнинг қолдиқларини баланснинг актив томонида, пассив счётларнинг қолдиқларини баланснинг пассив томонида акс эттириши, бундан таиқари даромадларни ва харажатларни ифодаловчи транзит счётлар бўйича якуний бухгалтерия ўтказмаларини молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириши кетма-кетлиги изоҳлаб берилган.

Abstract. In this article, for situational reasons, the distinctive features of accounting for the registration of goods in trading enterprises and the establishment of

trade margins by them, as well as accounting for other expenses and displaying net profit are analytically highlighted.

At the same time, the sequence of display was commented on, according to finding the balance on accounting accounts, as well as the design of the turnover balance sheet, and as a result, the sequence of displaying the balance of active accounts in the active part of the balance sheet, and the balance of passive accounts in the passive part of the balance sheet. In particular, the sequence of displaying the final accounting entries in the report "On financial results" for transit accounts, showing the income and expenses of the enterprise, was commented on.

Калит сўзлар: Товар, савдо устамаси, аналитик счёт, синтетик счёт, бухгалтерия ўтказмаси, журнал-ордер

Keywords: Ware, trade margin, analytical account, synthetic account, accounting transaction, journal-order

Кириш. Бугунги кунда бухгалтерия балансини миллий ва халқаро

стандартларда тузиш ақтуал масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Дастлаб бухгалтерия балансини миллий стандартлар асосида тузишни амалга ошириш бизга уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида туза олишимизга объектив замин ярата олади.

Биз дастлаб бирламчи ҳисоб маълумотларини амалга ошириладиган хўжалик жараёнлари давомида ҳужжатли расмийлаштиришимиз керак. Бирламчи ҳисоб маълумотлари ҳужжатли расмийлаштирилгач, уларни бухгалтерия журнал-ордерларига бухгалтерия ўтказмалари асосида киритиб борамиз. Ҳисобот санаси якунида илгари амалга оширилган ҳисоб маълумотлари асосида журнал-ордерлардаги маълумотларни жамлаб, охириги счётлар бўйича қолдиқларни ҳисоблаб чиқарамиз. Шунингдек, корхонанинг банкдаги пул айланмасини аниқ киритиш учун банкдаги счётлар бўйича банк кўчирмаларини тасдиқланган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк ёки банкларимиздан қабул қилиб, айланма қайдномада аналитик счёт маълумотларини синтетик счёт маълумотларига умумлаштириб жамланган бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширамиз. Юқоридаги амалларни маълум бир вазиятли хўжалик жараёнлари асосида, аниқ бир кетма-кетликда ўрганишимиз ва пировард мақсадларга эришишимиз, шунингдек, корхонанинг жорий, яқин ва узоқ келажагини таҳлилий равишда башоратлашимиз мумкин бўлади.

Материал ва метод. Фойда назариясининг асосий тамойиллари А. Смит, Д. Рикардо [8], Ж.Гэлбрейт, Ж. Кларк [9], К. Болдуин ва Ж.С. Милл каби

жаҳон классик иқтисодчиларининг илмий изланишларида келтириб ўтилган.

Уларнинг асарларида фойда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг якуний молиявий натижаларини тавсифловчи иқтисодий категория сифатида ўрганиб чиқилган, шунингдек мазкур асарларда фойданинг роли ва аҳамияти белгилаб берилган.

Бундан ташқари фойда тушунчасини, фойданинг шаклланиш жараёнини ва уни бошқаришни аҳамиятли даражада ўрганиш ишларини йўлга қўйишда В.Г.Артеменко, И.А. Бланк [10; 11], В.В. Бочаров [12], Л.Т. Гиляровская, Ю.Н. Воробьев, В.Д. Грибов [13], В.В. Чепурко, Т.В. Кириченко, В.В. Ковалев, М.Н. Крейнин, Л.Н.Красавина ва А.Д. Шеремет [14] каби иқтисодчи олимларнинг илмий асарлари кўмаклашди.

Бирок, юқорида келтириб ўтилган илмий изланишларда савдо корхоналарида товарларни сотишдан соф фойдани ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва молиявий натижалар, шунингдек бухгалтерия баланси тўғрисидаги ҳисоботларда уларни акс эттиришнинг назарий-методологик жиҳатлари билан боғлиқ муаммолар мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Юқорида келтирилган омиллар мазкур мавзунини кенгроқ ўрганишга қаратилган объектив заруратни келтириб чиқарди.

Мазкур мақолада таҳлил ва синтез, товар таннархини аниқлаш, харажатлар таркибини аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби счётлари ва иккиёқлама ёзув, баланс ва ҳисобот методларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач кунлик ҳаёт фаолиятимизда кўп учрайдиган чакана савдо корхонаси

фаолияти бухгалтерияси бўйича соф фойдани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларига қаратилган таҳлилий вазиятни ўрганиб чиқамиз.

Дейлик масъулияти чекланган жамият типидagi чакана савдо корхонаси ташкил этилиб, унинг низом жамғармаси 1,2 млрд. сўм этиб белгиланган. Низом жамғармасига улуш сифатида 2 та бино (умумий қиймати 800,0 млн. сўм), 4 та компьютер (умумий қиймати 32,0 млн. сўм) ва 2 дона мебеллар тўплами (умумий қиймати 30,0 млн. сўм) киритилган. Ҳисобот даврида амалга оширилган ҳисоб-китобларга мувофиқ бинога 10,0

млн. сўмлик, компьютерларга 1,6 млн. сўмлик, мебеллар тўпламига 1,125 млн. сўмлик эскириш суммалари ҳисобланган. Мазкур савдо корхонаси томонидан қайта сотиб фойда олиш мақсадида жами 112,0 млн. сўмлик товар сотиб олинди (ҚҚС билан). Мазкур харид қилинган товар учун 28,0 млн. сўмлик савдо устамаси белгиланди (28 фоиз), 2,0 млн. сўмлик реклама харажатлари амалга оширилди ва товар 130,0 млн. сўмга сотилди.

Юқорида келтирилган амалларни бухгалтерия ўтказмаларида қай тарзда акс эттириш лозимлигини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Савдо корхонасининг ташкил этилиши ва унда даромадлар ҳамда харажатларни ҳисобга олиш бўйича сўмлар корреспонденцияси

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
1.	МЧЖ типидagi савдо корхонасининг низом жамғармаси ташкил этилганда	4610 -“Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” сўми	8330 -“Пайлар ва улушлар” сўми	1 200 000,0
2.	МЧЖ балансига таъсисчилар улуши сифатида биноларни киритиш ҳисобга олинганда	0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” сўми	4610 -“Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” сўми	800 000,0
3.	МЧЖ балансига бинолар асосий воситалар сифатида кирим қилинганда	0120 -“Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар” сўми	0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” сўми	800 000,0
4.	Корхона балансига таъсисчилар улуши сифатида компьютерларни киритиш ҳисобга олинганда	0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” сўми	4610 -“Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” сўми	32 000,0
5.	Корхона балансига компьютерлар асосий воситалар сифатида кирим қилинганда	0150 -“Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси” сўми	0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” сўми	32 000,0
6.	Корхона балансига таъсисчилар улуши сифатида мебеллар тўплами киритиш ҳисобга олинганда	0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” сўми	4610 -“Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” сўми	30 000,0
7.	Корхона балансига мебеллар тўплами асосий воситалар сифатида кирим қилинганда	0140 -“Мебель ва офис жиҳозлари” сўми	0820 -“Асосий воситаларни харид қилиш” сўми	30 000,0
8.	Савдо корхонасида биноларга эскириш ҳисобланганда (=800000,0/20/12*3)	9420 -“Маъмурий харажатлар” сўми	0220 -“Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламаларнинг эскириши” сўми	10 000,0

9.	Балансга кирим қилинган компьютерларга эскириш ҳисобланганда ($=32000,0/5/12*3$)	9420-“Маъмурий харажатлар” счёти	0250-“Компьютер жихозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши” счёти	1600,0
10.	Мебеллар тўпламига эскириш ҳисобланганда ($30000*15\%/12*3$)	9420-“Маъмурий харажатлар” счёти	0240-“Мебель ва офис жихозларининг эскириши” счёти	1 125,0
11.	Мол етказиб берувчилардан товарлар харид қилинди	2920-“Чакана савдодаги товарлар” счёти	6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти	100 000,0
12.	Мол етказиб берувчилардан харид қилинган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинди	4410-“Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)” счёти	6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти	12 000,0
13.	Харид қилинган товарларнинг ҳақи тўлаб берилди	6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти	5110-“Ҳисоб-китоб счёти”	100 000,0
14.	Мол етказиб берувчилардан харид қилинган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи тўлаб берилди	6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти	5110-“Ҳисоб-китоб счёти”	12000,0
15.	Товарларни сотиш бўйича реклама харажатлари акс эттирилди	9410-“Сотиш харажатлари”	6011-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти	2000,0
16.	Товарларни сотиш бўйича реклама харажатлари тўлаб берилди	6011-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти	5110-“Ҳисоб-китоб счёти”	2000,0
17.	Чакана савдодаги товарлар учун савдо устамаси ҳисобланди (28 фоиз)	2920-“Чакана савдодаги товарлар” счёти	2980-“Савдо устамаси” счёти	28 000,0

Сотилган товарлар таннархи қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари ҳисобга олинганда ва қўйилган савдо амалга оширилади: устамаси ҳисобдан чиқарилганда

2-жадвал

Сотилган товарлар таннархини ҳисобга олиш ва улардаги савдо устамасини ҳисобдан чиқариш бўйича счётлар корреспонденцияси

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
18.	Сотилган товарлар таннархи ҳисобга олинди	9120-“Сотилган товарларнинг таннархи” счёти	2920-“Чакана савдодаги товарлар” счёти	100 000,0

19.	Кўйилган савдо устамаси ҳисобдан чиқарилди	2980-“Савдо устамаси” счёти	2920-“Чакана савдодаги товарлар” счёти	28 000,0
-----	--------------------------------------------	-----------------------------	----------------------------------------	----------

Юқорида амалга оширилган бухгалтерия ўтказмаларидан кўришимиз мумкинки, 2980-“Савдо устамаси” счёти якуний молиявий натижани аниқлашда ҳисобга олинмаяпти. Бунда чакана савдо корхонасида сотиш нархига таъсир этувчи

:

бошқа харажатлар ҳам мавжуд, - деб ҳисобга яна айрим сотиш харажатларини қўшган ҳолда шартнома баҳосини шакллантирамыз ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширамыз

3-жадвал

Савдо корхонасида товарларни сотишдан даромад олиш ва ҚҚС ни ҳисоблаш ҳамда тўлаш бўйича счётлар корреспонденцияси

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
20.	Товарни сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилди ва ҳисоб-фактура ҳамда юк хатлари расмийлаштирилди	4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” счёти	9020-“Товарларни сотишдан даромадлар” счёти	130 000,0
21.	Товарларни сотишдан пул келиб тушди	5110-“Ҳисоб-китоб счёти”	4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”	145 600,0
22.	Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси акс этирилди	4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” счёти	6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)” счёти	15 600,0
23.	Товарни харид қилишда ҳисобга олинган ҚҚС суммаси ҳисобдан чиқарилди.	6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)” счёти	4410-“Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)” счёти	12000,0
24.	Ҳисобга олишда пайдо бўлган ҚҚС бўйича фарқ суммаси бюджетга тўлаб берилди	6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)” счёти	5110-“Ҳисоб-китоб счёти”	3600,0

Натижалар. Фойда солиғи суммасини аниқлашда қуйидаги амалларни бажарамиз: 9020-счётнинг кредит обороти суммасидан 9420-, 9410-, 9120-счётларнинг дебет оборотлари йиғиндисини айирамыз, яъни: 130000-(10000+1600+1125+2000+100000).

Натижада 15275000 сўмлик фойда

солиғини тўлагунга қадар фойда суммасини ҳосил қиламыз. Бу эса бизнинг вазиятимизда фойда солиғини ҳисоблаш базасини ташкил этади. Шундан сўнг ҳосил бўлган суммадан 15,0 фоизлик фойда солиғи суммасини ҳисоблаймыз:

$$15275000 * 15\% = 2\,291\,250 \text{ сўм.}$$

4-жадвал

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаб бериш бўйича счётлар корреспонденцияси

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
25.	Фойда солиғи ҳисобланганда (15275,0*15%)	9810 -“Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти	6411 -“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Фойда солиғи)”	2 291,250
26.	Фойда солиғи тўлаб берилганда	6411 -“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Фойда солиғи)”	5110 -“Ҳисоб-китоб счёти”	2 291,250

Юқорида амалга оширилган корхонанинг мавжуд қарздорликлари бухгалтерия ўтказмаларидан кўришимиз сўндирилди: мумкинки, ҚҚС ва фойда солиғи бўйича

Дебет	6400-счёт	Кредит
12000,0	15600,0	
3600,0	2291,250	
2291,250		
		Охирги қолдиқ: 0,0

1-расм. 6400-“Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар” номли синтетик счётнинг охирги қолдиғини аниқлаш

Дебет	4410-счёт	Кредит
12000,0	12000,0	
		Охирги қолдиқ: 0,0

2-расм. 4410-“Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)” счётининг охирги қолдиғини аниқлаш

Юқорида келтирилган барча бухгалтерия ўтказмалари бўйича айланма қолдиқли қайдномани расмийлаштириш қуйидагича амалга оширилади:

**Қолдиқли айланма қайдномани шаклантириш учун тузиладиган умумий
счётлар корреспонденцияси**

Т/р	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
1.	1 200 000	4610	8330
2.	800 000	0820	4610
3.	800 000	0120	0820
4.	32 000	0820	4610
5.	32 000	0150	0820
6.	30 000	0820	4610
7.	30 000	0140	0820
8.	10 000	9420	0220
9.	1 600	9420	0250
10.	1 125	9420	0240
11.	100 000,0	2920	6010
12.	12 000,0	4410	6010
13.	100 000,0	6010	5110
14.	12000,0	6010	5110
15.	2000,0	9410	6011
16.	2000,0	6011	5110
17.	28 000,0	2920	2980
18.	100 000,0	9120	2920
19.	28 000,0	2980	2920
20.	130 000,0	4010	9020
21.	145 600,0	5110	4010
22.	15 600,0	4010	6410
23.	12 000,0	6410	4410
24.	3 600,0	6410	5110
25.	2 291,250	9810	6411
26.	2 291,250	6411	5110
3 632 107,5		x	x

Юқорида амалга оширилган бухгалтерия ўтказмаларини алоҳида-алоҳида дебет оборотли қолдиқ ва кредит оборотли қолдиқларга ажратиб чиқамиз. Бунда ҳар бир актив ва пасив счётларнинг дебет ва кредит оборотлари барчаси алоҳида счётлар бўйича жамланади (мисол учун бизнинг мисолимизда кредит айланмалари бўйича:

13-бухгалтерия ўтказмаси бўйича 5110-счётдаги 100,0 млн. сўм, 14-бухгалтерия ўтказмаси бўйича 5110-счётдаги 12,0 млн. сўм, 16-бухгалтерия ўтказмаси бўйича 5110-счётдаги 2,0 млн. сўм ва 24-бухгалтерия ўтказмаси бўйича 5110-счётдаги 3,6 млн. сўм 26-бухгалтерия ўтказмаси бўйича 5110-счётдаги 2291,250 минг сўмга қўшилади):

6-жадвал

Қолдиқли айланма қайдномани шакллантириш учун счётларнинг қолдиқларини уларнинг турлари бўйича алоҳида жамлаб умумлаштириш

Т/р	Дебет	
	Сумма, минг сўмда	Счёт
1.	1 200 000	4610
2.	862 000	0820
3.	800 000	0120
4.	32 000	0150
5.	30 000	0140
6.	12 725	9420
7.	128 000,0	2920
8.	12 000,0	4410
9.	114 000	6000
10.	2000	9410
11.	100 000,0	9120
12.	28 000,0	2980
13.	145 600,0	4010
14.	145 600	5110
15.	15 600,0	6410
16.	2 291,250	9810
17.	2 291,250	6411
	3 632 107,5	x

Т/р	Кредит	
	Сумма, минг сўмда	Счёт
1.	1 200 000	8330
2.	862 000	4610
3.	862 000	0820
4.	10 000	0220
5.	1 600	0250
6.	1 125	0240
7.	114 000,0	6010
8.	119 891,25	5110
9.	28 000,0	2980
10.	128 000,0	2920
11.	130 000,0	9020
12.	145600	4010
13.	15 600,0	6410
14.	12 000,0	4410
15.	2 291,250	6411
	3 632 107,5	x

Шундан сўнг қолдиқли айланма қайдноманинг ёйилмаси расмийлаштирилади. Унда дастлабки айланма (оборот) актив ва пассий счётларнинг дебетли ҳамда кредитли қолдиқлари бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Қолдиқли устунда дебетли қолдиқ алоҳида ва кредитли қолдиқ алоҳида ҳисоблаб чиқарилади. Амалга оширилган

қўшимча бухгалтерия ўтказмалари эса алоҳида айланма (оборот) сифатида расмийлаштирилиб, мазкур айланмалар (оборотлар) бўйича яна алоҳида дебетли ҳамда кредитли қолдиқлар алоҳида расмийлаштирилади. Бизнинг вазиятимизда мазкур қолдиқли айланма қайднома қуйидагича кўринишга эга бўлади:

6-жадвал

Қолдиқли айланма қайдноманинг дастлабки кўринишини шакллантириш

Счётлар	Айланма (оборот)		Қолдиқ	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
0120	800 000		800 000	
0140	30 000		30 000	
0150	32 000		32 000	
0220		10 000		10 000

0240		1 125		1 125
0250		1 600		1 600
0820	862 000	862 000	0	
2920	128 000	128 000	0	
2980	28 000	28 000		0
4010	145 600	145 600	0	
4410	12 000	12 000	0	
4610	1 200 000	862 000	338 000	
5110	145 600	119 891,25	25 708,75	
6000	114 000	114 000		0
6410	15 600	15 600		0
6411	2 291,250	2 291,250		0
8330		1 200 000		1 200 000
9020		130 000		130 000
9120	100 000		100 000	
9410	2 000		2 000	
9420	12 725		12 725	
9810	2 291,250		2 291,250	
Жами:	3 632 107,5	3 632 107,5	1 342 725,0	1 342 725,0

Шундан сўнг қолдиқли айланма қайдноманинг олтинчи ва еттинчи устунларини акс эттириш учун ҳисобот даври охирида ёпиладиган транзит

сўётларимизни ёпиш мақсадида қуйидаги қўшимча бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширамиз.

7-жадвал

Ҳисобот даври якунида транзит сўётларни ёпиш бўйича амалга ошириладиган қўшимча бухгалтерия ўтказмалари

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
1.	Товарни сотишдан олинган даромадлар якуний молиявий натижаларга ўтказилди	9020-“Товарларни сотишдан даромадлар” сўёти	9910-“Якуний молиявий натижа” сўёти	130 000
2.	Сотилган товарлар таннархи сўёти якуний молиявий натижаларга йўналтирилди ва ёпилди	9910-“Якуний молиявий натижа” сўёти	9120-“Сотилган товарларнинг таннархи” сўёти	100 000
3.	Товарларни сотиш бўйича реклама харажатлари сўёти ёпилди	9910-“Якуний молиявий натижа” сўёти	9410-“Сотиш харажатлари” сўёти	2000
4.	Маъмурий харажатларга тегишли бўлган асосий воситалар эскириши харажатлари ҳисобот даври охирида ёпилди.	9910-“Якуний молиявий натижа” сўёти	9420-“Маъмурий харажатлар” сўёти	12 725
5.	Фойда солиғи бўйича харажатлар ҳисобот даври якунида ёпилди	9910-“Якуний молиявий натижа” сўёти	9810-“Фойда солиғи бўйича харажатлар” сўёти	2 291,250

Шундан сўнг амалга ошириладиган бухгалтерия ўтказмаси якуний молиявий натижанинг ижобий ёки салбий якунга эгаллигини ва унинг суммаси қанча эканлигини кўрсатади. Бунда 9910-счётнинг қайси томондаги обороти катта бўлса, унинг кичкина томонидаги оборотидан айрилади ва

натижа 8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счётида иккиёклама ёзув қоидаларига мувофиқ акс этирилади. Бизнинг вазиятимизда юқорида келтирилган алгоритм қуйидагича кўринишда акс этирилади:

8-жадвал

9910-“Якуний молиявий натижа” счётининг ёпилиши бўйича счётлар корреспонденцияси

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма, минг сўмда
6.	Ҳисобот даврининг якуний молиявий натижаси аниқланди ва аниқланган сумма 8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счётига ўтказилди.	9910-“Якуний молиявий натижа” счёти	8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”	12 983,75

Юқорида амалга оширилган бухгалтерия ўтказмаларига мувофиқ

йиғма бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширамиз:

9-жадвал

Транзит счётларни турлари бўйича алоҳида умумлаштириш ва ҳосил бўлган фарқни ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасига ўтказиш

Т/р	Дебет	
	Сумма, минг сўмда	Счёт
1.	130 000	9020
2.	130 000	9910
	260 000,0	х

Т/р	Кредит	
	Сумма, минг сўмда	Счёт
1.	130 000	9910
2.	100 000	9120
3.	2000	9410
4.	12 725	9420
5.	2 291,250	9810
6.	12 983,75	8710
	260 000,0	х

Юқорида келтирилган йиғма бухгалтерия ўтказмаларини қолдиқли айланма қайдноманинг олтинчи ва еттинчи устунларида айланма (оборот)

сифатида акс этирамаиз. Пировардида қолдиқли айланма қайдноманинг саккизинчи ва тўққизинчи устунлари янги қолдиқлар сифатида намоён бўлади:

10-жадвал

Қолдиқли айланма қайднома

Счёт-лар	Айланма (оборот)		Қолдиқ		Айланма (оборот)		Қолдиқ	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
1	2	3	4	5	6	7	8	9
0120	800 000		800 000				800 000	
0140	30 000		30 000				30 000	
0150	32 000		32 000				32 000	
0220		10 000		10 000				10 000
0240		1 125		1 125				1 125
0250		1 600		1 600				1 600
0820	862 000	862 000	0				0	
2920	128 000	128 000	0				0	
2980	28 000	28 000		0				0
4010	145 600	145 600	0				0	
4410	12 000	12 000	0				0	
4610	1 200 000	862 000	338 000				338 000	
5110	145 600	119 891,25	25 708,75				25 708,75	
6000	114 000	114 000		0				0
6410	15 600	15 600		0				0
6411	2 291,250	2 291,250		0				
8330		1 200 000		1 200 000				1 200 000
8710						12 983,75		12 983,75
9020		130 000		130 000	130 000		0	
9120	100 000		100 000			100 000	0	
9410	2 000		2 000			2 000	0	
9420	12 725		12 725			12 725	0	
9810	2 291,250		2 291,250			2 291,250	0	
9910					130 000	130 000	0	
Жами:	3 632 107,5	3 632 107,5	1 342 725,0	1 342 725,0	260 000,0	260 000,0	1 225 708,75	1 225 708,75

Юқорида келтирилган қолдиқли айланма қайдноманинг 8-устунидаги дебетли қолдиқлари “Бухгалтерия баланси тўғрисидаги ҳисобот” [17] нинг актив қисми тегишли сатрларига, 9-устундаги кредитли қолдиқлар эса “Бухгалтерия баланси тўғрисидаги ҳисобот” нинг пассив қисми тегишли сатрларига мос равишда кўчириб ёзилади. Транзит счётларнинг яқунлари эса “Молиявий наижалар тўғрисидаги ҳисобот” нинг тегишли сатрларига мос равишда молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларга мувофиқ ҳолда кўчириб ёзилади [18].

Бизнинг вазиятимизда 4410-, 6010- ва 4010-счётлар бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари тўлаб

берилганлиги сабабли мазкур қарздорликлар бўйича қолдиқлар қолмаган ва улар корхона балансида ўз аксини топмайди.

Шунингдек, бизнинг вазиятимиздаги савдо корхонасида биринчи чорак ҳисоботи акс этирилиши келтирилган бўлиб, корхонанинг молия йилидаги тушуми 1,0 млрд. сўмдан ошадиган йирик ташкилотлар қаторида туради, шу билан бирга корхона мавсумий салмоқли тушумга эгаллиги туфайли кейинги икки чоракдаги унинг тушумлари белгиланган суммадан анча каттани ташкил этишини эътироф этиб ўтиш лозим бўлади. Бу эса мазкур савдо корхонасининг ҚҚС ва фойда солиғи

тўловчиси эканлиги фактини келтириб чиқаради.

Ўрганилаётган таҳлилий вазият мураккаблашиб кетмаслигини ҳисобга олиб, таҳлилий вазиятда иш ҳақи ва иш ҳақидан ушланмалар харажатлари ҳамда улар бўйича бухгалтерия ўтказмалари келтириб ўтилмади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятида асосий воситаларга эскириш суммаларини ҳисоблашда – айнан ҳисобот даврига таълуқли эскириш суммаларини (дейлик бизнинг вазиятимизда бир чорак учун) харажатлар сифатида тан олишимиз ва уларни якуний молиявий натижаларга йўналтириб акс эттиришимиз керак экан.

Тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммасини корхона ҳисобчиси фақат транзит счётларнинг ёпилишини ҳисобга олиб аниқлаши мумкин бўлади,

яъни бунда соф фойда суммасини чиқаргунча ораликдаги фарқ сумма мусбат бўлгандагина юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисобга олинади ва бюджетга тўлаб берилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, қолдиқли айланма қайдномани тузишда 9910-счётда қолдиқ қолдирган ҳолатда бухгалтерия ўтказмасини акс эттириш мумкин эмас. Чунки бунда транзит счётлар ҳисобот даври охирида қолдиққа эга бўлмаган ҳолатда ёпилиши лозимлиги шартлари бажарилмай қолади. Қолдиқ қолмаслиги шarti бажарилганда эса корхонанинг ҳисобот даври тақсимланмаган фойдаси (мусбат белги билан) ёки қопланмаган зарари (манфий белги билан) суммаси ҳосил бўлади ва мазкур фарқ иккиёклама ёзув қоидаларига мувофиқ 8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счётига ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). Тошкент ш., 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон. <https://lex.uz/docs/2931253>;
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 31.12.2019. <https://lex.uz/docs/4674902>;
3. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган. <https://lex.uz/docs/264422>;
4. Национальный стандарт бухгалтерского учета Республики Узбекистан (НСБУ № 21). «План счетов бухгалтерского учета финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов и инструкция по его применению». Утвержден приказом Министерства финансов Республики Узбекистан от 9 сентября 2002 года № 103. <https://lex.uz/acts/417624>;
5. “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209. <https://lex.uz/ru/docs/821320>;

6. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 15-сон БҲМС «Бухгалтерия баланси» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи 20.03.2003 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1226, кучга кириш санаси 30.03.2003. <https://lex.uz/acts/839065>;

7. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (3-сон БҲМС) «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 484. <https://lex.uz/acts/829520>;

8. Экономическая теория. Часть I: Учебное пособие / Под ред. А.Е.Чистяков, Ярославский государственный университет, Ярославль: ЯрГУ, 2012. С. 124.

9. История экономических учений: Учебное пособие / Под ред. А.Г.Войтова, М: Дашков и К, 2016. С. 228.

10. Управление финансовыми ресурсами: Учебное пособие / Под ред. И.А.Бланк, М: Омега-Л, 2015. С. 768.

11. Управление прибылью: Учебное пособие / Под ред. И.А.Бланк. М: Ника-Центр, 2008. С. 240.

12. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций: Учебное пособие / Под ред. В.В. Бочарова, М: Финансы и статистика, 2009. С. 124.

13. Экономика организации (предприятия): Учебник / Под ред. В.Д.Грибова, В.П. Грузинова, В.А. Кузьменко. – 10-е изд., М: КНОРУС, 2016. С. 179.

14. Финансы предприятий: Учебное пособие / Под ред. А.Д. Шеремета, Р.С.Сайфулина, М: Инфра-М, 2012. С. 343.

15. Худайкулов А.М. Номоддий активларни яратишда жалб этиладиган товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш ҳисоби. // Молия ва банк иши. 2020 йил 5-сон 106-119-бетлар.

https://www.researchgate.net/publication/358285101_Molia_va_bank_isi_AHudajku lov_2020_jil_5-son

16. А.Худайкулов. Аудиторлик текширувида назорат riskини аниқлашнинг ва унда дастурий таъминотлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. 2022 йил 3-сон. <http://interfinance.tfi.uz/?p=250>

17. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 15-сон БҲМС «Бухгалтерия баланси» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи 20.03.2003 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1226, кучга кириш санаси 30.03.2003. <https://lex.uz/acts/839065>

18. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (3-сон БҲМС) «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 484. <https://lex.uz/acts/829520>